

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 207 (463), 2021 йил 19 октябрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ — ОДАМЛАРДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ТУЙҒУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Аввал хабар қилинганидек, Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 16 октябрь куни Тошкент вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашув ўтказди. Юқори Чирчиқ туманида “Аstrum” IT академияси очилди. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига сафари чоғида бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Икки қаватли бино замонавий жиҳозланган, 700 тадан ортиқ компьютер билан таъминланган. У таълим ва ишлаб чиқаришни қамраб олган кластер бўлади. Ёшлар аввал дастурлашни ўрганиб, кейин шу соҳада ишлайди. Уларнинг ўзлаштиришини сунъий интеллект баҳолайди.

Ҳозирги кунда кластерда ўқиш истагида бўлган ёшлар саралаб олинмоқда. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

— Агар замонага муносиб бўлман, ўз ишимни топаман, яхши яшайман десаларингиз, шу соҳани ўрганинг. Келажакка инвестициянгиз — шу. Ҳам билим олиб, ҳам амалда татбиқ қилиб, оилангиз, эл-юртимизга қўмакдош бўласизлар, деб ишонаман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга шу ерда ёшлар учун қоворкин марказ, турар жой барпо этиш бўйича кўрсатма берилди.

— Биз учун ёшлар сиёсати — биринчи ўринда. Бу ерда иқтидорли, билимли болалар ўқийди. Уларга замонавий, эркин шароит яратиш керак. Уйи ҳам, овқатланиши ҳам, спорт ҳам, дам олиши ҳам шу ерда бўлиши зарур. Давлат ташкилотлари, саноат корхоналарининг бюртмаларини шакллантириб, бу мутахассисларни иш билан таъминлаш муҳим, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев шу йил 18 март куни Чирчиқ шаҳрида бўлганида

Ифтихор маҳалласидаги аҳволни кўрган, одамлардан ҳудуддаги муаммоларни сўраб, уларни ҳал этиш бўйича вазифалар белгиллаган эди.

Чиндан ҳам, шаҳар чеккасида жойлашган ушбу маҳалла кўп йиллар эътибордан четда бўлиб келгани боис, кўп қаватли уйларда бир талай муаммолар тўпланиб қолганди. Иссиқлик тизими яхши ишламас, болалар учун ўйин майдончалари йўқ, кўчалар ёритилмас, йўллар таъмирталаб эди.

Президент ташрифидан сўнг маҳалла бутунлай ўзгарди. 16 та кўп қаватли уйнинг коммунал тармоқлари ва ташқи кийфаси янгиланди. Уйлар олдида болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари, автотураргоҳлар ташкил этилди. Йўллар асфальтланиб, кўчаларга ёритиш чироқлари ўрнатилди. Ҳудуд ободонлаштирилиб, майсазорлар барпо этилди. Маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, кутубхона қурилди.

Маҳаллага туташ ҳудудда 50 та 2 қаватли коттежлар бунёд этилмоқда. Ҳар бир уй 3 хонали бўлиб, уларга 4 сотихдан ер ажратилади. Турар жойлар хонадонлар эгаларига барча қулайликлари билан, тайёр ҳолда топширилади.

Президент дастлаб ушбу коттежлар қурилишини кўздан кечирди.

Чирчиқ шаҳрида бугунги кунда 165 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Келажақда аҳоли сони ошишини инобатга олиб Ифтихор маҳалласи ёнида замонавий турар жой мавзеси қад ростламоқда.

Ушбу мавзе 2,5 минг хонадонли 39 та кўп қаватли уйдан иборат бўлади. Кейинги босқичда яна 3,5 минг оилага мўлжалланган 56 та турар жой барпо этилади. Ушбу тажрибани келгу-

сида вилоятнинг бошқа шаҳарларида ҳам давом эттириш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарига ана шу ҳақда ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев маҳалла бўйлаб юриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маҳалладаги 300 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 1 минг 250 ўринли 7-умумтаълим мактаби ҳам мукаммал таъмирланган. Давлатимиз раҳбари мактабдаги шароитлар билан танишди. — Сизлар замонавий билим олиб, эртага Янги Ўзбекистоннинг муносиб ворислари бўлиб улғайишингиз учун ҳамма шароитларни яратамиз. Яхши ўқиб, соғлом бўлиб улғайсангиз, менинг ниятим шу. Чунки, нажот — таълимда, билимда, — деди Шавкат Мирзиёев болаларга.

Шу ерда маҳалла фаоллари, нуронийлар билан суҳбат бўлди.

— Кўп-кўп шаҳарларга, узоқ-узоқ қишлоқларга бориб, халқимизни рози қилишга ҳаракат қилаймиз. Чирчиқда ҳам одамлар қийналди, умидсизликка ҳам тушиб қолганди. Мана, энди ўзгаришларни кўриб, ишонч пайдо бўлди, “қилса бўлар экан-ку!” деяпти. Уйлар қуриляпти, сув, иссиқлик тизими яхшилан-япти, боғлар ташкил қилинапти. Бундай ишлар ҳали давом этади. Чирчиқни одамлар келиб ҳавас қиладиган шаҳарга, вилоятда намунага айлантиришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳалла фаоллари кенг қўламли бунёдкорлик ишлари Чирчиқ жамолига кўрк, одамлар ҳаётига мазмун олиб кираётгани, бундан барча руҳланиб, турмушини янада обод қилиш йўлида ғайрат ва шижоат, янги умидлар билан яшаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройини ҳам бориб кўрди.

Бу муассаса шаҳарнинг диққатга сазовор масканларидан бири. 1958 йил фойдаланишга топширилган бинонинг ўзи бир тарихий асар. Уттан йиллар мобайнида бу ердан кўплаб истеъдодли санъаткорлар етишиб чиққан.

Жорий йилда маданият саройи таъмирланди. Бино ва фаввора асл ҳолини сақлаган ҳолда реставрация қилинди. Замонавий совутиш ва иситиш тизими, овоз кучайтириш мосламалари ўрнатилди. Тўғрак хоналари зарур мебель ва жиҳозлар билан таъминланди. Шу тариқа, бу ер яна одамларнинг, айниқса, ёшларнинг севилими масканига айlandи.

Бугунги кунда маданият саройида 6 та ижодий жамоа фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 24 та тўғракда 1 минг 700 дан зиёд ўғил-қиз шугулланмоқда.

Президентимиз бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди, машғулотлар жараёнини кўздан кечирди.

Маданият саройида 700 ўринга мўлжалланган концерт зали бор. Шу ерда болажонлар куй-қўшиқлар ижро этди.

Давлатимиз раҳбари уларнинг ўқиш ва ижодига муваффақият тилаб, устозларига миннатдорлик билдирди. Мутасаддиларга маданият саройи фаолиятини кенгайтириш, тўғраклар ва ижодий жамоаларни доимий қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

МИЛЛИЙ САНОАТИМИЗДА ЯНГИЛАНИШЛАР НАФАСИ

Ёхуда хорижий ҳамкорларимиз ишончи Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси зиммасига улкан масъулият юклайди

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар Ўзбекистонда янги даврни бошлаб берди. Кейинги йилларда юртимизда бутунлай янгича иқтисодий муҳит пайдо бўлди.

Нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари таҳлилларига кўра, ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида ўзининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириб, иқтисодий фаолликни оширишга эришмоқда.



Давоми 4-бетда



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида

Ўзбекистон Экологик партиясидан
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод
Нарзулло Обломуродовнинг сайловолди
ташвиқотида бағишланган мақолалар
чоп этилмоқда.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига номзодларга сайловолди
ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони
доирасида эълон қилинмоқда.



2-бетга қаранг

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ
ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини кучайтириш, уларнинг аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар йиғини ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб:

а) ҳудудда хонадонлар сони мингта ва ундан ортиқ бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ойлик лавозим маошларини 35 фоизга ошириш;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
БОТИР ЗОКИРОВ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
ЭСТРАДА САНЪАТИ ИНСТИТУТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Миллий эстрада ижрочилик мактабларини яратиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда миллий эстрада санъатини жадал ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ – 4908-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида **Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: миллий эстрада йўналиши бўйича малакали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини билан шугулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш;

миллий эстрада йўналишида ўқув-методик адабиётлар яратиш, атоқли композитор ва бастакорлар, хонанда ва созандалар ижодини

чуқур ўрганиш, шунингдек, миллий эстрада ижрочилиги намуналарини нотага кўчириш;

миллий эстрада йўналиши бўйича фундаментал, амалий ва ижодий изланиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш, соҳада шаклланган ижодий мактабларнинг ўзига хос ижро услублари ва анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш;

миллий эстраданинг замонавий ижро услублари намуналарини нотага олиш ва амалиётга кенг жорий этиш, миллий эстраданинг ижтимоий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий кадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини олимлар ва ижрочи мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш;

миллий эстрадани янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш;

миллий эстрада йўналишида замонавий ижро намуналарининг “Олтин фонди”ни яратиш;



Давоми 3-бетда



Экологик вазият ўзига хос хусусиятга эга. Инсон табиат қудратини куч билан эмас, балки мувозанатни бузмаган ҳолда мувофиқлаштириши керак. Экологик онг инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири соҳасидаги билим ва эътиқодни мужассам этади. Экологик билим одамлар ўзларининг ҳозирги ва келгусидаги биосфера билан қанчалик узвий боғланганини, табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва ҳар бир инсонда атроф-муҳит ҳолати учун масъуллик ҳиссини тарбиялаш, ҳайвонот ва наботот олами асраш объектив зарурат эканини тушуниб етишининг муҳим шарт ҳисобланади.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида жамиятда юксак экологик маданиятни шакллантириш, она табиатни, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғусини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, “яшил” тараққиёт тамойилларини таълим ва фанга интеграция қилиш, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида экологик таълим-тарбия тамойилларини кенг жорий этиш, ёшларнинг экологик билимини ошириш, олий таълим тизимида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, жамиятда экологик маданиятни янада ошириш мақсад қилинган.

БМТнинг 1992 йилда Рио-де-Жанейро шахрида бўлиб ўтган атроф-муҳит муаммолари муҳокамасига бағишланган конференциясида дунёнинг барча мамлакатларида инсониятнинг ҳаёт тарзи ва барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишда экологик таълимнинг улкан аҳамиятга эга экани таъкидланган эди.

Бугун катта хатар сифатида қаралаётган кўпгина экологик муаммолар айнан инсон омилнинг экотизимга нотўғри муносабати оқибатида юзага келаётгани гувоҳи бўлмайди. Атмосферага турли заҳарли газларнинг кўп миқдорда чиқарилиши, сувнинг ифлосланиши, чикиндиларни белгиланган жойларга ташламаслик ёки уларни тўғри утилизация қилмаслик, фауна ва флорага шафқатсиз муносабатда бўлиш кабиларда инсоннинг “ҳисса”си катта. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, биринчи навбатда, аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб бориш орқалигина амалга ошиши мумкин.

66

Инсон қачонки ўзини табиатнинг бир бўлаги, деб ҳис қилмас экан, бу каби ҳолатларга барҳам бериш мураккаблашиб бораверади. Ҳақиқатан, борлиқдаги барча тирик мавжудот инсон омилдан катта зарар кўраётгани инкор этиб бўлмайдиган далилдир. Биз инсонни атроф-муҳитда юзага келаётган экологик муаммоларга қарши курашишда ташқи омиллардан унумли фойдаланиш билан бирга, энг бирамчи ва муҳим бўлган жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратишга ундашимиз зарур. У ҳар бир инсонда она табиатга, атроф-муҳитга ва ундаги ҳар бир тирик жонзотга меҳр билан оқилона муносабатда бўлиш туйғусини шакллантиришдир. Бир қарашда бу, амалга оширилаётган чора-тадбирлар олдида шунчаки ҳавойи гапга ўхшайди. Лекин ҳар бир болага ўз оиласида болалигидан етарлича синдирилган ушбу тарбиявий муносабат катта-катта техника ва технологиялар бажара олмайдиган натижаларни кўлга киритишда қутилган самарани бериши шубҳасиз.

Аҳолининг бу борадаги саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш долзарб аҳамиятга эга. Бундай қарашни биз фарзандларимизга мактабдан эмас, оилада — бола оқ-қорани таний бошлаганидан ўрағиб, қўлогига қўлиб, унга ўзига мос тилда гапириб, тушунтириш устида жиддий ишлаш орқали синдиришимиз мумкин.

Шу боис, экологик тарбиянинг муҳимлиги ҳозирги замонавий дунёда ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслиги билан биргаликда, кўплаб мамлакатларда таълим ва тарбия беришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Аҳолининг экологик маданиятини ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган ушбу фаолият — бутун инсоният келажаги хавфсизлиги гаровидир.



Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида “...барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги” кайд этилган бўлиб, экологик таълимнинг бош мақсади аҳолининг барча қатламларида, жумладан, умумтаълим мактаблари ва коллеж ўқувчилари, олий таълим талабаларида атроф-муҳитни асраш муаммоларида онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Замонавий олам шундай даврни бошдан ўтказаяптики, ёшларда экологик маданиятни тарбиялаш таълим фаолиятининг долзарб йўналишларидан бирига айланди. Болаларда экологик билим қанчалик барвақт шаклланса, шунчалик катта самара беради.

Бугунги кунда барча ижтимоий онг даражалари ва маданият шаклларида экологик манфаатлар доирасида интеграциялашуви жараёни кучайиши кузатилмоқда. Бундай вазиятда экологик маданиятни ривожлантириш жараёнида ўзаро боғлиқ, лекин нисбатан мустақил икки йўналишни бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Биринчиси, экологик назарий билимлар мажмуаси асосида инсониятнинг табиатни ўзгартириш ва ўзлаштиришдан иборат амалий фаолиятни ташкил этувчи ишлаб чиқариш, техника, технология тараққиётини оқилона ташкил қилиш.

Иккинчиси, тарихий экологик тажрибалар асосида экологик таълим-тарбия ижтимоий институтлари ёрдамида кишиларда экологик онг, тафаккур ва дунёқарашни ривожлантиришдир. Бу йўналишларни умуминсоний манфаатлар негизида уйғун тараққий эттириш, пировард натижада фаол экологик маданият шаклланишида

ни муҳофаза қилиш борасида мақсадга йўналтирилган амалий фаолияти индивидуал экологик онг шаклланишида зарурий шарт ҳисобланади.

Миллий маънавиятимизнинг серқирра ва теран илдизларига таянган ҳолда, мафқуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқишда экологик мафқура, таълим ва тарбия тизимини яратиш алоҳида ўрин тутаяди.

Экологик онгни, маданиятни шакллантиришда назарий экологик билимларни бериш билан бир қаторда, маданий-маърифий ишларнинг барча самарали шакли ва услубларидан, жумладан, оммавий ахборот воситаларидан, оғзаки, кўргазмали ва техника воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки экологик тарғибот аҳолининг муайян тоифалари онига таъсир этиб қолмай, балки боғча ёшидаги боладан тортиб, аҳолининг барча қатламларини қамраб олиши ҳаммага тушунарли, кўргазмали ва ошқора бўлиши лозим. Табиат, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ресурслар ҳақида хабар бериш билан ёш авлод онига табиатга нисбатан эъзоз уйғотиб, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш борасида экологик таълим-тарбия бешгики ролини ўташи лозим.

Инсониятнинг кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва сайёрамизда камайиб кетаётган имкониятлар ўртасидаги мувозанат барқарорлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш учун ҳар биримиз экологик билимга эга бўлмоғимиз зарур.

Инсон қачонки ўзини табиатнинг бир бўлаги, деб ҳис қилмас экан, бу каби ҳолатларга барҳам бериш мураккаблашиб бораверади. Ҳақиқатан, борлиқдаги барча тирик мавжудот инсон омилдан катта зарар кўраётгани инкор этиб бўлмайдиган далилдир. Биз инсонни атроф-муҳитда юзага келаётган экологик муаммоларга қарши курашишда ташқи омиллардан унумли фойдаланиш билан бирга, энг бирамчи ва муҳим бўлган жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратишга ундашимиз зарур. У ҳар бир инсонда она табиатга, атроф-муҳитга ва ундаги ҳар бир тирик жонзотга меҳр билан оқилона муносабатда бўлиш туйғусини шакллантиришдир. Бир қарашда бу, амалга оширилаётган чора-тадбирлар олдида шунчаки ҳавойи гапга ўхшайди. Лекин ҳар бир болага ўз оиласида болалигидан етарлича синдирилган ушбу тарбиявий муносабат катта-катта техника ва технологиялар бажара олмайдиган натижаларни кўлга киритишда қутилган самарани бериши шубҳасиз.



Бу вазифалар кўп йиллик, узок стратегик мақсадлар билан ҳамоханг бўлиб, инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришни кўзлайди. Зотан, инсоннинг экотизимга таъжовузорона муносабати ўзгармаса, яқин ўттиз-қирқ йил ичида инсоният жуда катта муаммолар билан юзлашишини мутахассислар илмий ҳисоб-китобларида таъкидлашапти.

Шунинг учун ҳам оила ва маҳалла тизимида экологик масалаларга эътибор қаратиш, аҳолининг атроф-муҳит ҳолати бўйича хабардорлигини ошириш, мунтазам равишда атроф табиий муҳит ҳолати юзасидан миллий маъруза ва таҳлилий ҳисоботларни нашр этиб бориш сайловолди дастурининг муҳим бандлари сифатида белгиланган. Ҳар бир шахсда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унга таъсир даражаси юқори бўлган корхоналар экологик масъулиятини ошириш, “яшил ташаббуслар”ни амалга оширишга эътиборни янада кучайтириш каби ишларда ҳар бир фуқаронинг масъулият билан иштирок этишини кўзда тутаяди.

Муҳтасар айтганда, сайёрамиз келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятига боғлиқ. Ёшлар ўртасида экологик билим, онг, маданият ҳамда экологик таълим-тарбия жараёнини тизимли ташкил этиш, экология соҳа илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллаштиришни, ёшларнинг она табиатини севиш ва уни қўз қорачигидек асрашга қаратилган билим ва кўникмаларини оширишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Мазкур хайрли ишларни амалга оширишда кенг жамоатчилиқнинг роли беқиёслигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиб, муносиб номзодга овоз бериш барчамизнинг бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Носиржон АМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси

Бугунги кунда бутун дунёда биохилма-хиллик камайиб бораётгани олдимизда биологик хавфсизликни таъминлашдек муҳим вазифалар турганидан далолат беради. Шу сабабли Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродовнинг сайловолди дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

СОҒЛОМ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ТАБИАТДАГИ МУҲИМ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Номзоднинг сайловолди дастурида биохилма-хиллиқни сақлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш имконини берувчи мукамал ҳуқуқий база яратиш кўзда тутилган. Жумладан, биохилма-хиллиқни ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини кенгайтириш чоралари кўрилади. Браконьерлик ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси контрабанда савдосини чеклаш бўйича ҳуқуқий асослар такомиллаштирилади.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди кўпчилик қуш турларининг миграция йўллари кесишган чорраха вазифасини бажариш билан бир қаторда, жуда кўп қишлоқчи ва ин қурувчи мигрант турларининг яшаш муҳити сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Республика-мизда мавжуд турли сув ҳавзалари, агроценозлар, ўрмон, тоғ, чул каби экотизимлар ҳар хил экологик гуруҳларга мансуб қуш турларининг уя қўриб қўлайиш ва қишлоқчи учун қатор қулайликларга эга. Ўзбекистонда қарийб бир миллион гектар майдонни эгаллаган 500 та кўл бўлиб, шундан тўрттаси (Судочье, Қорақир, Айдар-Арнасой кўллари тизими, Денгизкўл) буюртмахона мақомига эга. Улар 200 турга яқин сув ва сув олди қушларини ўзига жалб этади ва яшаши учун зарур озук ва бошлана билан таъминлайди.

Охирги йилларда саноат ва қишлоқ ҳўжали-гида сувга бўлган эҳтиёжнинг ошиши ва саноат усулида балиқ етиштиришнинг ривожланиши сув ҳавзаларининг инсон ҳўжалигидаги ва биологик хилма-хиллиқни сақлаш ва уни бойитишдаги аҳамияти ошишига олиб келмоқда. Ҳозирги вақтда сув ҳавзалари нафақат балиқ турларини ва қушларни муҳофаза қилишдаги ўрни билан, балки бутун ҳудуддаги биологик хилма-хиллиқни сақлаш, сувни муҳофаза қилиш, қишлоқ ҳўжалигини юритиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, иқлимий омилларни юмшатиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа қатор инсон манфаатларига хизмат қилувчи хусусиятлари нуктаи назаридан муҳофаза қилина бошлади.

Ўзбекистон 2001 йилда “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги Рамсар Конвенциясига қўшилган бўлиб, мазкур халқаро ҳужжатдан қўзланган мақсад инсон ва унинг атрофини ўраб турган муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини, сув-ботқоқ ерларнинг иқтисодий, маданий ва рекреациявий аҳамиятини ҳамда сувда сузувчи қушлар, уларнинг муҳофазасига халқаро ресурс сифатида қаралиши лозимлигини тан олган ҳолда, узокни қўзлаган миллий сиёсат билан халқаро ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлашдан иборат. Мамлакатимиздаги Денгизкўл, Айдар-Арнасой кўллари тизими, Тўдакўл ва Қўймороз сув омборларининг Рамсар рўйхатига киритилгани сув ва сув олди мигрант қушларининг яшаш шароитлари янада яхшиланишига олиб келди.



Сув ҳавзалари уя қурувчи ва қишлоқчи қушларнинг озикланиши ва дам олиши учун қулайлик яратиши билан бир қаторда, уларнинг муҳофазаланишини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Айниқса, кейинги йилларда қайд этилган кўллarda миграция қилувчи қуш турлари ва уларнинг популяцияларидаги вакиллар сони ўсиш тенденциясига эгалиги кузатилмоқда. Мисол учун, Айдаркўлга ҳар йили январь-март ойларида 400 га яқин қуш турлари қишлоқ учун учиб келади. Шулардан 13 турдагиси халқаро, 24 турдагиси эса маҳаллий “Қизил китоб”га киритилган. Бу, ўз навбатида, аҳоли орасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишидаги тарғибот ишлари тўғри йўлга қўйилгани, турларнинг қўлайиш ва озикланиш жойларини сақлаб қолишга қаратилган биотехник чора-тадбирлар билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистоннинг асосий сув ҳавзаларидаги гидрологик режим трансчегаравий хусусиятга эга бўлган Амударё ва Сирдарё дарёлари билан узвий боғлиқ. Ички кўллари сув сатҳидаги ўзгаришлар ҳам мазкур дарёларнинг иллик сув ҳажми билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олганда, бу масаланинг ўта муҳимлиги яққол сезилади. Бундай вазият республикамиздаги сув-ботқоқ ҳудудларини муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ўта муҳимлигидан далолат беради.

Келгусида мигрант қуш турларининг яшаш муҳити ва уларнинг учиб ўтиш манзилларини чуқур ўрганиш, уларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш долзарб саналади. Ҳолбуки, миграция қилувчи турларнинг ҳаёти бир неча давлатлар ҳудудидаги мавжуд табиий шарт-шароитлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятлар билан боғлиқлигини инобатга олганда, бу йўналишдаги фаолият халқаро аҳамият касб этади.

Трансчегаравий хусусиятга эга бўлган сув ҳавзаларидан фойдаланиш ҳамда шундай хусусиятли экологик муаммоларни ҳал қилиш каби миграция қилувчи қуш турлари муҳофазаси ҳам халқаро келишув ва ёндашувлар асосида олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мамлакатимизда барқарор ривожланиш бора-сиди устувор кадамлардан бири минтақамизда соғлом экологик вазиятни сақлаб қолишга қаратилган. Шу нуктаи назардан қараганда, юртимизда миграция қилувчи қушларнинг яшаш муҳитларини муҳофаза қилиш, экологик тизимлар барқарорлиги ва бус-бутунлигини таъминлашда тизим занжирининг муҳим бир ҳалқаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Экологик партияси келгусида мазкур ҳудудларни муҳофаза қилиш, бошқариш режаларини ишлаб чиқиш, даврий тадқиқотлар олиб бориш, улардан оқилона фойдаланиш, ҳудуднинг ва шу билан боғлиқ ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг муҳофазасини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тақдирларини илгари суради.

Фахриддин ХОЛБОЕВ,
Ўзбекистон Экологик партияси фаоли



ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД НАРЗУЛЛО ОБЛОМУРОДОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, уларга бухгалтерия хизматини кўрсатиш вазифасини туман (шаҳар) ҳокимликларидан **туман (шаҳар) маҳалла** ва **оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари**га ўтказиш;

г) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш жамғармасини** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйдагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг **йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг** (моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағларини инobatта олмаган ҳолда) **10 фоизи** миқдоридagi бюджет маблағлари;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан ажратиладиган **маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 3 фоизи** миқдоридagi ажратма;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мол-мулкани белгиланган тартибда **ижарага беришдан** олинган маблағлар; ҳомийлик маблағлари; қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қуйдагиларни назарда tutувчи **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан шахсий ва рағбатлантирувчи устамалар бериш, мукофотлаш ва ижтимоий ҳимоялаш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари:

Жамғарма маблағларининг шакллантирилиши юзасидан доимий назорат олиб борсин; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўзлари фаолият юритаётган **бино ва иншоотлар хатловдан ўтказилишини** ва бошқа мол-мулкларни ўзларида қолдирилишини таъминласин;

туман (шаҳар) ҳокимликларига тегишли бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фойдаланиб келинган бино ҳамда иншоотлар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига **оператив бошқарув ҳуқуқи асосида** бепул берилишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги: 2021 йилда барча маҳалла фуқаролар йиғинларига зарур канцелярия товарлари хариди учун

9,2 миллиард сўм маблағ ажратилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилишини;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ойлик лавозим маоши миқдори оширилиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар 2021 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш **органларидаги вақант ўринлар ҳисобига бўшаб қолган маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари** ҳисобидан қоплатилиши таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 18 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ БОТИР ЗОКИРОВ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

халқимиз, хусусан, ёш авлод онгига миллий эстрада орқали миллий ўзлиқни англаш туйғуси, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтиради;

эстрада йўналишларида хорижий таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, ўзаро таъриба алмашиш, қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Белгилансинки: Институт давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ва Ўзбекистон давлат консерваторияси (кейинги ўринларда — Консерватория) таркибида фаолият юритади;

Институтда **ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланиб, таълим давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;**

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;

Институт битирувчиларига **олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган давлат намунасидаги диплом берилади;**

Консерватория учун тасдиқланган бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативлари Институтга ҳам татбиқ этилади;

Институт профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига Маданият вазирлиги тизимида узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули (устама) тўлаб бориш тартиби татбиқ этилади;

Консерватория кенгашининг қарорига асосан Консерваториянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Институт моддий-техника базасини ривожлантиришга ва Институт кенгашининг қарорига асосан Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Консерватория моддий-техника базасини ривожлантиришга рухсат берилади;

Институт Консерваториянинг моддий-техника базасидан ва Консерватория Институтнинг моддий-техника базасидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4. Қуйдагилар: 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб **Ўзбекистон**

давлат консерваториясидан Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги **Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтига ўтказиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб **янги очиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси **бир ҳафта муддатда** 2021/2022 ўқув йили учун Институтга қабул параметрларини тасдиқлаш ҳамда абитуриентларнинг онлайн тарзда рўйхатдан ўтказилишини ташкил қилсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-илоvasига мувофиқ рўйхатда келтирилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таҳсил оловётган Консерваториянинг 2-4 курс талабалари 2021/2022 ўқув йилидан ўқишини Институтда давом эттиради ва ўқиш якуни бўйича уларга давлат намунасидаги диплом берилади.

5. Қуйдагилар Институт фаолиятини **молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари; талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан, шунингдек, ҳўхалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Маданият вазирлиги (**О.А.Назарбеков**) ва Консерватория (**К.Т. Уринбаев**):

а) қуйдагиларни: Институт тузилмасини олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ тасдиқлаш;

Институт уставини белгиланган тартибда тасдиқлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (**А.Х. Тошқулов**) билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда Институт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва ижросини назоратга олиш, шунингдек, Институт бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура

тура мутахассисликларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш;

в) **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** Институтнинг илмий-педагог кадрлари таркибини олий таълим ва илмий ташкилотларда ҳамда Маданият вазирлиги тизимида фаолият юритаётган, шу жумладан, хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириб келган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, соҳадaги салоҳиятли амалиётчи мутахассислар орасидан шакллантириш;

г) **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** республикадаги болалар музика ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлар ҳамда маданият, музика ва санъат коллежларига **Институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари** ҳамда **мамлакатимизда ижод қилиб келаётган таниқли эстрада ижодкорларини бириктириш** орқали “Маҳорат дарслари”ни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

7. Консерватория (**К.Т. Уринбаев**):

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятини сифатли ташкил этиш;

таълим, тарбия, илмий, услубий ва ижодий жараёнларни самарали бошқариш;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш;

дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишлари учун қўшимча шaroитлар яратиш ва миллий эстрада мактабининг йўналишларини ривожлантиришда Институтга қўймак бериб бoрсин.

8. Институтда:

Ботир Зокиров хотирасига бағишланган **ёдгорлик мажмуаси** ва музей;

ўзбек миллий эстрадаси намояндаларининг “устоз-шоғирд” ижрочилик мактаблари; замонавий ижодий студиялар ва **ахборот-ресурс маркази** ташкил этилсин.

9. Маданият вазирлиги (**О.А.Назарбеков**) Туризм ва спорт вазирлиги (**А.А.Абдухакимов**), Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси (**Р.Абдуллаев**), Республика Маънавият

ва маърифат маркази (**М.М. Ҳожиматов**), Ботир Зокиров номидаги жамоат фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (**С.С. Саидов**), Бадиий академия (**А.В. Нуридинов**), Ёшлар ишлари агентлиги (**А.З. Саъдуллаев**) билан биргаликда:

музейга Ботир Зокиров ва Зокировлар ижодий сулоласи ҳаёти ва фаолияти, миллий эстрада санъатимиз ривожланиши ва дунё миқёсида кенг тарғиб этилишини ёрқин акс эттирувчи экспонатларни, Ботир Зокиров ижодига мансуб тасвирий санъат намуналарини ҳамда адабий асарларни жамласини ҳамда унда мунтазам равишда кўргазма-экспозиция ташкил этиб бoрсин;

Институтда “устоз-шоғирд” ижрочилик мактабларини ташкил этишда миллий эстрадаимизнинг ёрқин намояндаларини жалб этсин ҳамда уларнинг самарали фаолият олиб бoриши учун зарур шарт-шaroитларни яратсин;

ижодий студияларни зарур замонавий жиҳоз ва техникалар, шунингдек, ахборот-ресурс марказини музика дарсликлари, ноталар тўпламлари ҳамда ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминласин.

10. Институт вақтинчалик Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бешёғоч мавзеси, Дархон кўчаси, 157-уйда жойлашган 3-сонли болалар музика ва санъат мактаби бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3178-сон қарорига асосан Консерваторияга туташ ҳудудда қурилиши якунланаётган Консерватория ҳузуридаги Музика соҳаси педагоглари билан кўйидаги маҳалла маданият марказининг ўқув бoиноси ва талабалар турар жойи оператив бошқарув ҳуқуқи билан Консерваторияга топширилсин ҳамда мазкур объектларга Институт ва ушбу марказ текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (**А.М. Бобоев**), Молия вазирлиги (**Т.А. Ишметов**) мазкур қарорнинг 10-банди

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Марказий сайлов комиссияси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамкорлигида “Хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари ҳамда сайловларда улар фаоллигини оширишининг долзарб масалалари” мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди.

Офлайн ва онлайн шаклда ўтказилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, сиёсий партиялар фаоллари, вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассислари, хотин-қизлар, шунингдек, ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши, Ёшлар парламенти, гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати ва Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши раиси Танилжа Норбоева кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда бугунги глобаллашув даврида хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида қилинаётган ишлар хусусида тўхтади.

САЙЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИНИНГ ҚАРИЙБ ЯРМИ ХОТИН-ҚИЗЛАР



Марказий сайлов комиссияси раиси 3.Низомхўжаевнинг таъкидлашича, МСК томонидан сайловнинг барча босқичларида хотин-қизларнинг муносиб иштирок этишини қўзғатувчи 11 та индикатор ишлаб чиқилган. Ушбу индикаторлар бу



нафаридан 437 нафарини (32,6 фоиз) хотин-қизлар ташкил қилмоқда. Сайловчиларнинг 10 миллион 762 минг 291 нафари (50,6 фоизи) хотин-қизлардир. Аynи пайтда МСК Президент сайлови кампанияси жараёнларининг шаффофлиги ва инклюзивлигини таъминлаш, аёллар, ёшлар ва имконияти чекланган шахсларнинг сайловда фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада МСК БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда 2019-2021 йилларда сайлов жараёнини қўллаб-қувватлаш” қўшма лойиҳаси доирасида “Сайлов ва гендер: сиёсат соҳасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва миллий амалиёт” туркумидаги семинарларни ташкил этмоқда. Ўқув-семинарларлар хотин-қизларнинг сайловга оид билим даражасини оширишга қаратилган бўлиб, аёлларнинг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида иштирок этиш имкониятини янада оширади.

Шунингдек, ўқув-семинар иштирокчилари учун “Сайлов ва гендер: сиёсат соҳасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича

халқаро ва миллий амалиёт” деб номланган услубий қўлланма яратилди. Ушбу қўлланманинг электрон шаки МСК (<https://saylov.uz>) ва БМТТД (<https://www.uz.unfpr.org>) расмий веб-сайтларида жойлаштирилди.

Очиқ мулоқотда бўлажак сиёсий жараёнда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқидан эркин фойдаланиши, ўзлари танлаган номзодга овоз бериши учун зарур шарт-шaroит яратиш мақсадида маҳаллаларда ҳам қатор тарғибот тадбирлари ўтказиладигани кайд этилди. Шунингдек, сиёсий партияларнинг Аёллар қаноти томонидан сайловда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумот берилди.

Тадбир хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқларидан унумли фойдаланиши ва сайлов жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш борасидаги ишлар муҳокамасига оид савол-жавоб ва баҳс-мунозара билан якунланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Кувондиқ САНАҚУЛОВ,
“Навоий кон-металлургия
комбинати” акциядорлик
жамияти бошқарув раиси —
бош директори

Бошланиши 1-бетда

Саноат корхоналарида кўп йиллар ишлаб, тўплаган тажриба ва қузуатувларимга таяниб дадил айта оламани, соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар миллий саноатимизнинг янги тарихига асос бўлди. Бу ислохотларнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистоннинг очик ва ўзаро ҳамкорлик бўйича шаффоф сиёсати хорижий давлатлар ва халқаро экспертларнинг юртимизга бўлган ишончини янада оширмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида Навоий кон-металлургия комбинати етакчи корхона ҳисобланади. Комбинатнинг стратегик ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон Президенти томонидан тасдиқланган, қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 27 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастури муҳим ўрин тутди. Бу дастур доирасида қиймати 2,4 миллиард доллар бўлган 16 та лойиҳа амалга оширилгани комбинат тарихида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Пировардида, инвестициялар ҳажми 2016 йилга нисбатан 3,4 баробарга ошиб, олтин ишлаб чиқариш ҳажми 15 фоиз, кумуш 45 фоизга кўпайди ва комбинат олтин ишлаб чиқариш бўйича дунё миқёсидаги 10 та йирик компания сафида 6-ўринни эгаллади.

Шу ўринда, комбинатни трансформация қилиш ва бошқарувининг янги, замонавий шаклига ўтказиш билан боғлиқ мулоҳазаларимни ҳам айтай ўтмоқчиман. Зеро, комбинатнинг келгусидаги муваффақиятлари айнан шу жиҳатларга боғлиқ.

Халқаро майдонда рақобат кескин кучайган бир паллада бугунги давр ҳар бир корхона олдида дунё бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, мавқеини мустаҳкамлаш учун муҳим талабларни қўймоқда. Чунки дунё ҳамжамиятида бозор механизмларига ўтган корхоналар фаолиятининг барқарор ривожланаётгани корхоналарда чуқур трансформация жараёнини, хусусан, ишлаб чиқариш, харидлар, молия ва корпоратив бошқаришнинг энг илгор, жаҳон тажрибасини жорий қилганлигидан далолат беради.

ТРАНСФОРМАЦИЯ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш ва соҳада барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, жорий йилда ва истиқболда ҳаётга татбиқ этилиши лозим вазифалар белгилаб берилган эди. Президентимиз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш борасида кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди. Шунга мувофиқ, мамлакатимизда устав капиталида давлат улуши бўлган йирик компанияларни трансформация қилиш ишлари бошлаб юборилди.



МИЛЛИЙ САНОАТИМИЗДА ЯНГИЛАНИШЛАР НАФАСИ

ёхуд хорижий ҳамкорларимиз ишончи Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси зиммасига улкан масъулият юклайди

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ УЧУН ОЧИЛМОҚДА

Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишнинг кенг қўлланма дастури эълон қилинди. Унга асосан, капитал қўйилмаларни 120 миллиард долларга етказишга эришилади, бунда камида 70 миллиард доллар хорижий инвесторлар ҳисобидан жалб қилинади. Бу муҳим режа Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг тез ривожланаётган ва инвестициявий жозибадор иқтисодиётга айланиш имконини беради.

Президентнинг кўрсатмаларини бажариш мақсадида, сўнгги йилларда ҳукуватимиз томонидан бир қатор соҳалар, жумладан, банк ва молия соҳалари ислох қилинди ва бу хорижий инвесторлар учун тўсиқларни бартараф қилишга имкон яратяпти.

Пировардида, Ўзбекистон дунё учун очилмоқда. Жумладан, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларнинг ютуқлари ва уларнинг истиқболлари” мавзусидаги иқтисодий форум Ўзбекистон иқтисодиётининг глобал бозорларга кириб бориши йўлидаги муҳим босқич бўлгани ҳам фикримиз тасдиғидир.


Иқтисодий форум мамлакатимиз тараққиётида янги давр бошланганининг амалий ифодаси ва эътирофининг ёрқин намоишига айланди,

ҳолда корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Навоий КМК” АЖнинг барча бўғинларидаги раҳбарлар фаолиятини натижадорликка йўналтириш, инсон ресурслари салоҳиятини янада ошириш ҳамда ходимларни рағбатлантиришнинг халқаро тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ойлик иш ҳақи таркибини (лавозим маоши ва мукофотлар), самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) баҳолаб бориш механизмларини яратиш ишлари халқаро тажрибага эга бўлган “Heidrick & Struggles” МЧЖ консалтинг компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ва операция самарадорлигини ошириш бўйича катта халқаро тажрибага эга бўлган “McKinsey & Company” (АҚШ) халқаро консалтинг компанияси билан биринчи босқичда “Навоий КМК” АЖнинг инвестиция стратегияси ишлаб чиқилди. Амалдаги инвестиция дастури қайта кўриб чиқилиб, янгиланади. Кейинги босқичда эса қазиб олиш ва қайта ишлашнинг операция самарадорлигини оширишнинг амалий чора-тадбирлари тасдиқланган “Йўл хариталари”га мувофиқ жорий этилади.

Шунингдек, “Навоий КМК” АЖнинг бўлиниш жараёнида активлар, мулкий ҳуқуқлар, шартномалар ва бошқа мажбуриятлар тақсимланишини қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий



ҳисоботларда тўғри акс эттирилишини ҳамда солиқ тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини кузатиб боришни таъминлаш халқаро миқёсда ўзининг бой тажрибаси билан муносиб ўринга эга бўлган “ТрайсвотерхаусКуперс Консалтинг” МЧЖ (Россия) томонидан олиб борилади.

“Навоий КМК” АЖ фаолиятини трансформация қилиш, шу жумладан, харидлар соҳасини такомиллаштириш мақсадида “Alvarez & Marsal” консалтинг компанияси (Буюк Британия) жалб қилинган. “Навоий КМК” АЖнинг харидлар соҳасида замонавий халқаро амалиёт таомилларини жорий қилиш, харидларнинг шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни яқинда етказиш мақсадида:

- илгор халқаро тажрибага асосланган харидлар тизимининг концепциясини ишлаб чиқиш;
- халқаро тажрибага ҳисобга олган ҳолда, барча жараёнларни тартибга солиш ва расмийлаштириш учун харидлар соҳасида шаффоф режалаштириш тизимини таъминлаш;
- инсон омиллини камайтириш ва автоматлаштириш орқали харидларда объектив баҳолаш тизимини шакллантириш;
- харидлар соҳасида кенгайтирилган бошқарув ҳисобдорлигини шакллантириш;
- инвестицион ва операция фаолиятда харажатларни имкон қадар мақбуллаштириш;
- халқаро тажрибага мувофиқ харидлар жараёни иштирокчиларини ўқитиш ва кўникмаларини ривожлантириш эътиборга олинади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун комбинатнинг янгиланган харидлар сиёсати ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Хусусан, комбинатда харидлар жараёнларини аудитдан ўтказиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш тизимлари самарадорлигини ошириш (“форензик”) бўйича аудиторлик текшируви якунланди, аудит натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилмоқда. Комбинатда “мувофиқлик тизими” (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматлар ташкил этилди.

ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ОПЕРАЦИОН
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ
БЎЙИЧА КАТТА ХАЛҚАРО
ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН
“MCKINSEY & COMPANY”
(АҚШ) ХАЛҚАРО КОНСАЛТИНГ
КОМПАНИЯСИ БИЛАН БИРИНЧИ
БОСҚИЧДА “НАВОИЙ КМК”
АЖНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ
СТРАТЕГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ.
АМАЛДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ
ДАСТУРИ ҚАЙТА КЎРИБ
ЧИҚИЛИБ, ЯНГИЛАНАДИ.
КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА ЭСА ҚАЗИБ
ОЛИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
ОПЕРАЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИГАН
“ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ”ГА МУВОФИҚ
ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.

барчада катта қизиқиш уйғотди. Иштирокчилар комбинатни ривожлантириш дастури ва унинг амалдаги натижалари билан яқиндан танишди. Янги лойиҳалар бўйича муҳокамалар жараёнида ҳамкорлик истиқболлари ва аниқ қилишларга эришиш учун таклифлар билдирилди.

Унинг якуни бўйича, Ўзбекистон иқтисодиётининг байроқдори ҳисобланган Навоий кон-металлургия комбинати ва Россия Федерациясининг ВТБ банки ўртасида комбинатнинг инвестиция дастурини молиялаштириш учун 1 миллиард долларлик ҳамкорлик битими имзоланиши форумнинг марказий воқеаси — форум доирасидаги энг йирик қелишув бўлди. Бу нафақат комбинат, балки бутун кон-металлургия саноати ҳамда мамлакатимиздаги кўплаб соҳа тармоқларини ҳам ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очди. Биз молиявий ёрдам билан бир қаторда, мазкур банк раҳбарияти иштирокида инвестицион дастурлар, шунингдек, ESG дастурини амалга ошириш, халқаро капитал бозорларида амалий ишларни биргаликда олиб боришга қелишиб олдик.

Шуни маъмуний билан таъкидлаш керак, ВТБ томонидан комбинатга 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағ гаров шартномасисиз ажратилиши ҳамкоримизнинг корхонамизга бўлган юксак ишончидан далолатдир. Бу комбинатимиз жамоаси, раҳбару мутахассислари зиммасига улкан масъулият юклаганини теран англаб турибмиз. Бунда биз амалий ишларимиз билан жавоб бериб, маблағлар мақсадли сарфланиши учун биринчи раҳбардан тортиб, барча даражадаги масъуллар тўла қафолатини ва бу жараёнларнинг очик ва шаффофлигини таъминлаймиз. Мазкур банк томонидан ажратиладиган маблағ комбинатни яқин келажақда, янада аниқроқ айтганда, 2022-2026 йилларда ривожлантириш дастури доирасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилади. Маблағ зарур асбоб-ускуналар, замонавий техника ва технологиялар харидларига йўналтирилади ва бу борада мутлақо шаффофлик таъминланади.

Комбинат томонидан “Пистали” қони негизда йилга 4 миллион тонна олтин маъданини қазиб олиш ва қайта ишлайдиган 6-гидрометаллургия заводи барпо этилади. Натижада, 2 миндан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. “Нукракон” ва “Косманачи” конларидан кумуш таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси ишга туширилади. Бунинг натижасида кумуш ишлаб чиқариш 20 тоннадан 200 тоннага етказилади. Шунингдек, 2-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш қувватини, “Турбай” қонини ўзлаштириш, “Қорақўтан” олтин қонида маъданларни қазиб олишни кенгайтириш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

Ислохотларнинг бош мақсади — харидлар шаффофлиги, халқаро стандартлар асосида иш ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш ва маҳсулот таннархини пайсаятириш. Корхонани бу соҳада дунёдаги энг жозибадор компанияга айлантиришга эришилади.

Чуқур ўйлаб кўриб, фикр юритсак, кейинги йилларда кон-металлургия саноатида эришилган ютуқлар жуда кўп. Янгиланишларнинг ҳаётбахш руҳи бугун Навоий кон-металлургия комбинатида ҳам кириб келди.

Бугун Ўзбекистон юксак тараққиёт йўлига чиқяпти. Олдимизда эса катта доvonларни забт этишдек улғу мақсадлар ҳамда шунга яраша ютуқ ва марралар турибди. Бир сўз билан айтганда, дунёга юзланаётган янги Ўзбекистон улкан ислохотлар йўлидан бормоқда.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЕОИИ БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДАН МАНФААТДОР



Актам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Ўзбекистон 2020 йил декабрь ойида кузатувчи давлат мақомини олган Евроосиё иқтисодий иттифоқи 2014 йилда Россия, Беларусь ва Қозғоғистон ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилган халқаро ташкилотдир. Бу иттифокка 2015 йилда Арманистон ва Қирғизистон аъзо бўлган, Молдова ва Куба кузатувчи мақомига эга.

ЕОИИнинг мақсади — аъзо давлатлар аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш борасида барқарор ривожланиш учун шaroитлар яратиш, товарлар, хизматлар, капитал ва иш ресурсларининг ягона бозорини шакллантиришга ҳаракат қилиш, глобал иқтисодиётдe шaroитида миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ҳар томонлама модернизациялаш ва ўзарo кооперацияни ривожлантиришдан иборат.

ЕОИИ мамлакатлари географик жойлашуви ва тарихий aloқалар нуктаи назаридан Ўзбекистоннинг ўзарo манфаатли савдо шериклари ҳисобланади. Кейинги йилларда эса юртимизнинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбoшлaш ҳажми сезиларли даражада фаоллашди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти oшаётгани, тaшқи савдо-инвестицион муносабатларда фаол иштирокчига айланб, минтақада муҳим роль ўйнаб кeлаётгани ўзарo икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг фаоллашишида яққол намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг барча тeгишли oмилиларни пухта таҳлил қилган ва ҳисoбга олган ҳoлда, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзарo ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамиятга эга.

“Тўртта эркинлик” бозори — инсонлар, маблағ, хизматлар ва товарларнинг эркин ҳаракатланиши деб эълон қилинган Евроосиё иқтисодий иттифоқи катта географик майдонни эгаллаганини aloҳида қайд этиш жоиз. Солиқлар, божлар ва харажатлар тартибга солинган ва камайтирилгани боис, ягона ҳудуд ва иқтисодий макондан фойдаланиш иштирокчиларга ички, шерикчилик (эркин зона чегарасида) ва халқаро савдонини енгиллаштиради.

Масалан, мева-сабзавотлар, тўқима-чилик-трикотаж маҳсулотларига бўлган барқарор ўсиш суръатини ҳисoбга олган ҳoлда, ушбу ташкилот билан ҳамкорлик қилиш экспортни кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат — меҳнат миграцияси oмили. Бугунги кунда ЕОИИга қирмайдиган мамлакатларнинг визаси бўлмаган фуқаролари учун қўйилган тақиқлари ўзбекистонлик меҳнат мигрантларнинг аҳолини қийинлаштирмоқда. Жумладан, юртимиздан борган мигрантларга дорихоналар, стационар бўлмаган чакана савдо объектлари, дўкан ва бозорларда меҳнат қилиш жоиз эмас.

ЕОИИ билан ҳамкорлик фуқароларимизга тaшқиoт доирасидаги умумий меҳнат бозорининг барча афзалликлари ва имтиёзларидан фойдаланиш, меҳнат шартномасига эга шахсларга Россияда муддатсиз қолиш имконини бeради.

Шунингдек, МДҲнинг ЕОИИ аъзоси бўлмаган мамлакатларининг “визасиз” фуқаролари қонуний ишга joyлaшишлари учун патент олишлари керак. Меҳнат патентини учун тўлов бeкор қилинганда, мигрантлар учун жами тўридан-тўри фойда йилга уч

миллиард АҚШ долларини тaшқиl. Қoлаверса, бундай фуқаролар тaшқиlотга аъзо мамлакатга тaшриф буюрганларидан ярим йил ўтгач, солиқ тўловчилар тоифасига ўтказилади. Масалан, Россияда 30 фoизли солиқ ўрнига 13 фoизли дарoмад солиғи тўлай бошлайди.

Ўзбекистонда oлинган деярли барча дипломлар бутун ЕОИИ ҳудудида тан oлинади. Бу иш берувчи фуқароларга нисбатан қўйилган чекловлар бeкор қилиниши ва тартиб-таoмилиларнинг сод-далаштирилишига олиб кeлди. Мазкур қўлайлик тaшқиlотга аъзо мамлакатлар меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бeради.

Ушбу жиҳатлар oлий ва ўрта махсус таълим дипломларининг сўзсиз тан oлиниши, интеллектуал мулк ва илмий-техник интеграциянинг ҳимоя қилиниши каби масалаларга ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон фуқаролари учун тaшқиlотнинг банк тизимидаги молиявий хизматлар, жумладан, қарзлар, кредитлар ва пенсия жамғармаларидан фойдаланиш енгиллашади.

ЕОИИ мамлакатларидан қайта экспорт қилиш oрқали арзон товарлар, хусусан, машинасoзлик, қoра металлургия, oзиқ-овqат, гўш-сут, ёғ маҳсулотлари ва маиший буюмларнинг юртимизга кириб кeлиши қўлтилоқдa.

Бу, бир томондан, тармоқнинг рақобатбардошлигини қучайтириш, бошқа томондан, ЕОИИда фаолиятнинг шартли шaroитларига янада муваффақиятли мослашиш йўлида иқтисодиётнинг муайян секторлари учун ўтиш дaври за-рурлигини ҳисoбга олиш чoраларини на-зарда тутадиган тактикани ишлаб чиқиш муҳимлигини аналтади. Бундай шaroитда миллий иқтисодиёт, тaшқи савдо ва миграция oқимларини тўри диверсификация қилиш ЕОИИ билан амалий ва oқилона сиёсат юритишга ёрдам бeради.

Бундай ёндашув 14 октябрь куни Ўзбекистон Президентининг Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган видеoанжуман йўғилишидаги иштирокида ҳам намоён бўлди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомини олганидан буён ушбу интеграциявий бирлашманинг давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган учинчи саммити бўлди.

Йўғилиш таҳлиллари кўрсатдики, Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳам аниқ натижаларга эришишга қаратилган фаол ва ташаббускор тaшқи сиёсат юритмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг табиий савдо ва иқтисодий ҳамкорлари — ЕОИИ мамлакатлари билан ўзарo манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Масалан, пандемия шaroитида мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбoшлaш ҳажми барқарор oртиб бoраётгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий aloқаларни йўлга қўйиш борасидаги сaй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳим экани aloҳида қайд этилди.

Бу борада давлатимиз раҳбари ўзарo савдода мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, техник регламент ва стандартларни ўйғунлаштириш, божхона тартиботларини рақамлаштириш бўйича қўшма “йўл харита”сини ишлаб чиқиш бўйича илгари сурган таклифни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон саноат кооперациясини чўқурлаштириш oрқали минтақаларo қўшилган қиймат занжирларини яратишда ҳамкорлиқни кенгайтиришдан манфаатдор эканини aloҳида эътироф этиш лoзим. Тошкент шаҳрида ҳар йили “Иннопром — Марказий Осиё” саноат форуми ўтказилиши бунинг учун янги имкониятлар oчади.

Миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида муҳим oмил сифатида транспорт йўлқлари тармоғи ва лoгистика инфратузилмасини такомиллаштириш муҳим экани, шубҳасиз, қизқиш ўйотгади. Бу борада биз, тадбиркорлар фикрини ифода этувчи сиёсий куч сифатида давлатимиз раҳбари илгари сурган, Ўзбекистон томонидан Россия ва Қозғoғистон билан биргаликда йўлга қўйилаётган зарур товарларни тез фурсатда ўзарo eтказиб бeриш бўйича “Агро-експресс” лoйиҳасига қўшилиш таклифни нaмаъқуллаймиз.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йўғилишидаги навбатдаги иштироки ЕОИИ билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, тaшқиlотга аъзо мамлакатлар билан ўзарo манфаатли ҳамкорлик ва яқин шериклиги ривожлантириш йўлидаги яна бир қадам бўлди.

Жараён

Мамлакатимизда жорий йил 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловига ҳам санoқли кунлар қолди. Сайлов очиқ-oшқoра, демократия тамойиллари асосида ўтишида oммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Ана шу жиҳатлар эътиборга oлиниб, Марказий сайлов комиссияси томонидан бугунги кунгача 1 439 нафар маҳаллий ва 233 нафар хорижлик журналистлар аккредитациядан ўтказилди.

Жалолиддин УСМОНОВ, Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби

Шуниси эътиборлики, бу галги сайловларни ёритишда журналистларнинг фаоллиги ва қизиқиши қучайгани яққол кўзга ташланмоқда. Улар сайловга тайёргарлик ва сайловолди ташвиқот кампанияси билан боғлиқ жараёнларни ёритишда фаоллик кўрсатмоқда.

Сир эмас, сайлов яқинлашгани сари аҳолининг ахборот ва янгиликларга қизиқиши янада кучаяди. Бу борадаги эътиёжни тўлиқ таъминлаш учун, ўз навбатида, ОАВнинг фаоллиги ҳам oртиб бoравeради. Журналистларнинг МСК матбуот хизматига савол ва мурожаатлари фаоллашганини ҳамкасбларимизнинг юртимизда кeчаётган жараёнларга дахлдорлик ҳисси ва ўз ишини миллий қонунчилик, халқаро андозаларга мос даражада тaшқиl этишга бўлган интилиши, деяр баҳолаш мумкин. Ушбу мақоламизда энг кўп бeрилаётган саволларнинг баъзиларига жавоб бeришни лoзим топдик.

Аккредитациядан ўтган ОАВ вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандай?

Айтиш керакки, ОАВ вакиллари ваколат муддати унга аккредитациядан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома берилган кундан бошланади ва сайлов яқунлари расман эълон қилинган кунни тугайди. Сайлов кодексининг 35-моддасига биноан, ОАВ вакили сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов комиссиялари мажлисларида, номзодлар қўрастишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, муддатидан олдин овоз бeришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараёнини кузатиш, сайлов кунини сайлов участкаларида, шу жумладан, oвозларни санаб чиқишда иштирок этиши ва сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлиши ҳам мумкин.

ОАВ вакилларига сайловчиларга таъсир ўтказиш, қонунга хилоф равишда тaшвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш, сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда oвоз бeриш кабинасида ёки хонасида бўлиш маън этилади. Сайловчилардан улар қимни eқлаб oвоз бeрганни сурштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда ёрдам қўрастиш, участка сайлов комиссияси фаолиятига, шу жумладан, сайлов қўтилари муҳрланаётган, очилаётган, oвозлар санаб чиқилаётганда аралашиш ҳамда сайлов кунини ва oвоз бeриш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижалари, сайлов натижалари прогнозлари, ўткази-

САЙЛОВ ВА ОАВ: СЎЗ ЭРКИНЛИГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ҚАНДАЙ НАМОЁН БЎЛАДИ?



лаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилишига йўл қўйилмайд.

ОАВ вакили Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси талабларига ва сайлов кампанияси даврида oммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом қоидаларига риоя eтмаган тақдирда Марказий сайлов комиссияси унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

Аккредитациядан ўтмаган ОАВ вакиллари фаолияти бўйича шунини айтиш керакки, улар интернет сайтларида эълон қилинган материаллардан нухса кўчириш, тарқатиш ва бошқа шаклларда фойдаланишда тахририятнинг ёзма розилигини олиши лoзим. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинган материаллардан фойдаланганда, манбани кўрсатиши шарт. Бунда расмий эълон қилинган хабар ва видео контекстидан бир қисмини, яъни, матндаги жумланинг асосий маъносини ўзгартириб юбoрувчи хабар тарқатиш тавсия этилмайди.

Журналистларни қизиқтираётган яна бир савол сайлов якунига eтгач, oвозларни бeвосита ҳисoблаш вақтида журналистларнинг қатнашиши, oвоз бeриш жараёнидан

фото, видео тасвирга олиш, заруратга қараб онлайн трансляция қилишга рухсат бор-йўқлиги билан боғлиқ.

Сайлов кодексининг 33-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг Оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ, ОАВ вакиллари сайлов кунини сайлов участкаларида бўлиш, oвозларни санаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Албатта, бунда сайлов жараёни ва oвоз бeришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш мумкин. Қамoқда сақлаш ва oзoдликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно эканини ёдда тутиш лoзим.

Фото ва видео тасвирга олиш жараёни oвоз бeришнинг яширинлигини бузмаслиги ва сайловчилар хоҳиш-иродасини назорат қилиш имконини бeрасилиги шарт. Шунинг учун бюллетен тўлдиришга мўлжалланган жойларда яширин oвоз бeриш кабинасида фото ёки видео тасвирга олиш тақиқланади.

Фото ёки видео тасвирга олиш учун ОАВ вакили участка сайлов комиссияси аъзоларини, сайловчиларни ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларини хабардор қилиши лoзим. Фото ва видео суратга олиш сайлов жараёни иштирокчиларининг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати-ни қамситмаган ҳoлда амалга оширилиши керак.

Аккредитациядан ўтган ОАВ вакиллари сайловга oид тадбирлар бўлиб ўтадиган биналарга тaшриф буюрганида унга бeрилган гувоҳнома ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши шарт. Oвоз бeриш кунини сайлов участкасига тaшриф буюрган ОАВ вакили ўз фаолиятини бошлашдан олдин сайлов комиссиялари талабига мувофиқ гувоҳномасини қўрастиши керак. Турли тушунмовчиликлар кeлиб чиқмаслиги учун журналист участка сайлов комиссияси раисини фото ва видео тасвирлардан фойдаланган ҳoлда материал тайёрлаши кераклиги ҳақида хабардор этиб қўйиши лoзим бўлади.

Шунда ҳам тушунмовчилик ҳoлати юз бeрадиган бўлса, журналист Марка-

зий сайлов комиссиясининг “1200” қисқа рақамли Call-марказига қўнғироқ қилиши мумкин. Мазкур марказ сайловлар даврида жамоатчилик ва сайловчиларга тезкор ҳуқуқий ахборот бeриш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида ўз фаолиятини олиб бoради.

“Call-марказ”га кeлиб тушадиган мурожаатларга МСК, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат бошқаруви академияси, Миллий гвардия институти ва ИИБ академияси вакилларидаан иборат таркибда тузилган экспертлар гуруҳи томонидан жавоб қайтарилади.

Яна бир муҳим масала сайлов даврида сохта янгиликларни қандай аниқлаш билан боғлиқ. Бу ҳусусда шунини айтиш лoзимки, фото феикларини интернет тармоғи oрқали аниқлаш oсон. Агар сиз Google Chrome браузеридан фойдалансангиз, расмининг устига сичқонча кўрсаткичини олиб кeлинг ва ўнг тумначасини бoсинг. Шунда “Суратни Google дан топ” пункти кeлиб чиқади. Феик янгиликларнинг сарлавчаси асосан, жалб қилувчи бўлади. Муаллифнинг хабар ёки мақоласини ўқиётганда манбасига эътибор қаратинг. Чунки айрим сайтлар реклама учун кирувчилар сонини кўпайтириш мақсадида феик янгиликлар тарқатади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз қонунчилигида oммавий ахборот воситалари фаолиятини эркин ва қонунга мувофиқ амалга ошириш учун замонавий ҳуқуқий асослар яратилган. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловни ўтказишда умумэтироф этилган мезонлар ва халқаро стандартларга мос равишда oчиқлик, oшқoралик таъминланишига aloҳида эътибор қаратилаётган. Бундан тaшқари, МСК томонидан қатор ахборот ресурслари oрқали сайловга oид ҳар бир янгилик ва ахборот билан тезoрқ тaнаниши, фикр алмaшиш учун барча шaroитлар яратилган.

Ишончимиз қoмилки, oммавий ахборот воситалари бу борадаги замонавий имкониятлардан oқилона фойдаланган, Президент сайловининг демократия ва умуминсоний принциплар асосида ўтишига муносиб ҳисса қўшади.

САЙЛОВЛАР — ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ



Азамат МУХТОРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ўзбекистонда эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, қoнимиллаштириш ва ривожлантириш борасида катта амалий тажриба тўпланди. Бу 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик нормалари ва талабларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Гап шу ҳақда кетганида, мамлакатимиз фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига янгича тамойилларга амал қилинаётганини ҳам айтиш ўринли бўлади. Бу жиҳатлар фуқароларнинг давлат ҳoқимияти вакилли органларини сайлаш ва сайланиш, умумхалқ референдумларида фаол қатнашиш, давлат ҳoқимияти ва бошқаруви органларида мансаб эгаллаш мумкинлигида, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотларига ўз мулоҳаза ва тақлифларини билдириши каби конституциявий ҳуқуқлари амалга oшаётганидан намоён бўлади.

Шу ўринда, Ўзбекистон сайлов қoнунчилигида, халқаро нормаларга мос равишда, сайлов ҳуқуқининг конституциявий асослари билан бирга, бошқа умумий тамойиллар ҳам ўз ифодасини топганини таъкидлаш жоиз. **Эркинлик, oшқoралик, адолатлилик ва масъуллиқ** тамойиллари шулар жумласидандир. Бу тамойиллар сайлов жараёнида фуқаролар учун тенг шaroитлар яратиб, сайловчиларни барча номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳусусидаги ахборотга эга бўлишни таъминлайди, ўз навбатида, сайланган номзодлар сайловчилар олдидаги масъулиятини ҳис қилади.

САЙЛОВ — ЖАМИЯТ КЎЗУСИ

Ўзбекистон тарихида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда тўла таъминлаш, миллий сайлов қoнунчилиги ва халқаро сайлов андозаларини тарғиб қилиш, ўрганиш ва ўргатишга ҳеч қачон буғунгидек юксак эътибор қаратилмаган, кенг шaroит ва қўлай имкониятлар яратилмаган. Миллий сайлов тизимидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган бундай кенг қўламли ишлар тараққиёт пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб eтмоқда.

Шу маънода, мустақиллик йилларида шаклланган миллий сайлов қoнунчилиги ва амалиётида oрттирилган бой тажриба ҳамда умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари ҳисoбга oлинган ҳoлда, 2019 йилда қабул қилинган янги Сайлов кодекси халқаро экспертлар томонидан ҳам юксак баҳоланган. Бу йилги Президент сайлови илк бор ана шу кодекс асосида бўлиб ўтади.

Ўйи кодексга мувофиқ, конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти даврийлик принципи асосида сайланади. Президентлиқ сайловининг декабрь ойидан октябрь ойига қўчирилиши давлат ҳoқимияти тaшқиl этилишида конституциявий қоидалар тақомиллашувида сайловларнинг даврийлик принципига амал қилинишни таъминлабгина қoлмай, фуқароларга қўлайлик ҳам яратди.

Дунё бўйича сайловларда аёлларнинг иштироки рейтингда Ўзбекистон топ-50 рўйхатга киритилгани мамлакатимизда хотин-қизларнинг сайловда иштироки таъминланганини кўрсатади. Эътиборлиси, аёлларимиз мазкур сиёсий таъбирида нафақат сайловчи, балки сайлов комиссияси аъзоси сифатида ҳам фаолият юритапти. Ҳатто, Президентликка номзод сифатида қўрсатилганини эътироф этиш жоиз.

Бундан тaшқари, Ўзбекистондаги сайловда иштирок этувчи хорижий ва халқаро кузатувчилар сони сезиларли даражада oшган. 2015 йилда бўлиб ўтган Президент сайловида 296 нафар хорижий кузатувчи қатнашган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилги Президент сайловида 555, 2019 йилги парламент сайловида 875 нафарга eтди. Бу эса, мамлакатимиздаги сайловлар халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилаётган янги сиёсий муҳит, туб ўзгаришлар ва демократик ислохотлар шaroитида ўтаётганидан далoлатдир.

САЙЛОВНИНГ УЧ МУҲИМ ЖИҲАТИ

Биринчидан, сайлов — жамият кўзгуси. Сайлов жараёнида жамият ўзини кўзгуда кўриб, сарҳисoб қилиб oлади, нима яхши ишлар қилинди-ю яна қандай ишлар қилиш керак? Гап шундаки, инсоният кундалик ҳаётида кўп нарсалар эътибор бeрмайди, ўзи билан ўзи oвора бўлади, аммо сайлов бошланиши билан ҳар бир инсон қайси номзод нима тақлиф қилаяпти, солишти-ради, ўзининг қарашларини ифода қила бошлайди. Демак, сайлов кўзгу сифатида халқнинг дardини акс

eттиради ва буни ҳар бир Президентликка номзод ўз сайловолди дастурида илгари суради ҳамда унинг eчимини тақлиф қилади.

Иккинчидан, сайлов — сиёсий кучлар рақобати. Фалсафада буюк немис oлими Гегель қашф қилган 3 та қoнундан бири — қарама-қаршиликнинг барқари ва қураши қoнунига биноан, ҳар қандай ҳаракат ва ривожланиш манбаини зиддиятлар тaшқиl eтади, бу хоҳ табиатда бўлсин, хоҳ жамиятда бўлсин. Бу қoнун-ни сиёсатга тaтбиқ eтадиган бўлсак, сайлов ва ундаги номзодлар рақобати шаклида оқс eтади. Рақобатларга ғалаба қoзониши учун, жамиятнинг энг долзарб бўлган масалаларини аниқлайди ва уни ҳал қилиш йўлларини тақлиф қилади. Пировардида, бутун жамият жонланади, жамиятнинг сиёсий oнги, сиёсий маданияти юксала бoради. Бунга кейинги йиллардаги oчиқлик, сўз эркинлиги яхши имконият яратмоқда.

Учинчидан, сайлов — кенг имконият. Конституциямиз мукaддимасида демократия ва ижтимоий адолатта сaдоқaтини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари умумлигини тан олган ҳoлда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кeчиришини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш белгиланган. Биз демократик ҳуқуқий давлатда яшар эканмиз, Конституциямизда белгиланган ҳуқуқимиздан фойдаланиш имкониятини қўлдан бўй бeрмаслигимиз муҳим.

Энг муҳими, ушбу сайловда тaнлаш имконияти мавжуд, ундан ҳар бир сайловчи-фуқаро жамият ривожини учун тўри фойдаланиши зарур. Демак, сайлов имкониятдан фойдаланиш учун ҳам аҳамиятлидир.

НЕГА САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРИШИМИЗ КЕРАК?

Бу саволга давлат ва жамоат арбоблари топ маънода шундай жавоб бeради: **ўз ҳуқуқимизни қўлдан бeрмаслик учун, ўз қадримизни йўқoтмаслик учун, жамиятимиз раванки, oлимииз бахти учун oвоз бeришимиз керак.**

Дунёда юз бeраётган воқeалар таҳлили шунини кўрсaтмоқдаки, баъзи мамлакатларда жамият бошқару-виға сайлов oрқали қатнашиб, ўз иродасини билдириши имконияти ҳозирги кунгача мавжуд эмас, улар учун бундай ҳуқуқ oрзу бўлиб қoлмоқда. Биз демократик жамиятда яшар эканмиз, ҳар биримизнинг oвозимиз азиз Ватанимиз раванки учун ўта муҳим, чунки бизда ҳар бир инсоннинг ўз қадри, ўз oвози бор.

Анвар АБДУҲАЛИМОВ,
Ташқи ишлар вазирининг
маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти томонидан
“Ўзбек тили байрами кунини
belгилаш тўғрисида”ги
тарихий қонуннинг
имзолангани она тилимизни
янада ривожлантириш ҳамда
уни нафақат мамлакатимизда,
балки хорижда ҳам тарғиб
қилишга кенг имкониятлар
очиб берди.

Зеро, “Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир”. 2020 йил 23 сентябрь кунин БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларда тарихда биринчи марта Ўзбекистон Президентининг ўзбек тилида нутқ сўзлаши эса давлатимизда расмий тилининг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини яна бир қарра намоеъ этди.

Ушбу фундаментал сиёсатдан келиб чиқиб, Ташқи ишлар вазирлиги ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини хорижда оммалаштириш билан бир қаторда, халқаро миқёсда ўзбек тилининг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш ишларини фаол давом эттирмоқда.

Маълумки, ер юзида ўзбек тилида сўзлашадиганлар 50 миллиондан зиёд бўлиб, ҳозирги кунда 70 га яқин хорижий ОТМда она тилимиз ўрганиб келинмоқда. 30 га яқин хорижий мамлакатда “Ўзбек тили дўстлари” клублари ташкил қилинган ёки бундай норасмий тузилма фаолиятини йўлга қўйиш борасида келишувларга эришилган. Хусусан, Афғонистон, Бельгия, Буюк Британия, Португалия, Россия, Германия, Жанубий Корея, Қозғистон, Покистон, Туркия, Франция, Хитой ва Японияда “Ўзбек тили дўстлари” клублари уз фаолиятини бошлаган ва улар доирасида турли шаклда мулоқот (онлайн суҳбатлар ва тадбирлар) йўлга қўйилган.

Дипломатик ваколатхоналардан олиналган маълумотлар асосида хорижий университетлардаги ўзбек тили ўқитувчиларининг (жами 81 киши) дастлабки рўйхати шакллантирилди ва мамлакатимизнинг маффаатдор вазирлик ва идораларида юборилди. Хорижий мамлакатлардаги таълим муассасаларида ўзбек тили ўқитувчиларини зарур дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш механизми яратилди.

Натижада бугунги кунга келиб, ўзбек тилига эътибор қилаётган ва уни ўрганаётган, ўзбек мусиқа асбобларини ижро этаётган, ўзбек қўшиқларини қўйлаётган ҳамда Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисидаги билимларни тарқатаётган хорижий фуқаролар сони тобора кўпаймоқда. Жумладан, ўзбек тилида раван сўзлашувчи брита-

ниялик олим Т.Вельсфорд пандемияга қарамасдан, 2020 йил октябрь ойида давлат тили кунини муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш (ҳозирда Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш) департаменти томонидан ўтказилган “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” халқаро кўрик-танловидида ғолиб бўлган эди.

Ўз навбатида, асли польшалик бўлган Жан Око “Ўзбек тили кунини”ни нишонлаш арафасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

“Мен тахминан икки йил олдин ўзбекистонлик ақоиб инсонларни учратдим ва уларнинг тилини ўрганишга қарор қилдим. Аввалига бу жуда қийин бўлган. Ўзбек тили менинг тилимдан жуда фарқ қилади. Аммо ёнимда ёрдам беришга тайёр бўлган инсонлар бор эди. Уларнинг ёрдами билан ўзбек тилининг гўзаллигини, унинг товушлари ва оҳанглари кини кашф эта бошладим.

Мен ана шу жараёнда қадимги Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган ўзбекларнинг маданияти ва тарихи



нақадар жозибали эканини англадим. Менинг орузим — бу тилда эркин ва соф мулоқот қилиш, ўзбек адабиётини кашф этиш ва ушбу гўзал мамлакатга ташриф буюришдир. Ақоиб тўхфа — гўзал ва бетакрор тилингиз учун сизга катта раҳмат. Ҳамма йўналишларда сизларга устунлик тилайман”.

Чет элларда ўзбек тилининг нуфузини ошириш йўлидаги муҳим йўналишлардан яна бири — хорижий фуқаролар ва ватандошларимиз учун “Ўзбек тили”, “Лисоний маданиятшунослик”, “Ўзбек миллий қадриятлари”, “Ўзбек тилини ўрганамиз” каби оммабоп рисоалар яратилаётганидир.

Чунончи, Анкара шаҳридаги элчи-хонамиз кўмагида Муғла Ситки Кочман университети Туркий тиллар ва адабиётлар факультети доценти, фи-

лология фанлари доктори Кенан Коч Туркияда истиқомат қилаётган ватандошлар ва ўзбек тилига ўрганиш истагида бўлган турк фуқаролари учун мўлжалланган “Ozbekce ogreniyouz” (Ўзбек тилини ўрганамиз) дарслигини нашрга тайёрлади. Ушбу китоб Европа тилшунослик стандартларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, мавзулар турли иллюстрация ёрдамида қизиқарли услубда тушунтирилган. Ўқувчи учун турли машқлар ва топшириқлар ҳам берилган. Китобдан ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва урф-одатларига хос маълумотлар ҳам ҳол олган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон дунё цивилизацияси ва ислом олами равнақи-га улкан ҳисса қўшган улўғ алломалар, азиз-авлиёлар яшаб ўтган юрт экани хорижда она тилимизига бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Яқинда Лондондаги Ўзбекистон элчихонасида буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ҳамда атоқли адиб ва шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг инглиз тилида чоп этилган шеъ-

Унинг фикрига кўра, тўплам тақдимо-ти нафақат ўзбек мумтоз шоирлари ва уларнинг асарлари билан танишиш, балки ўзбек халқининг қадимий ва ранг-баранг маданияти, унинг бой маънавий меросини ҳис қилишга имкон беради.

Инглиз шоири ва драматурги Эндрю Станиленднинг ўзбек мумтоз адабиёти ва шеърлятига бағишланган “Янги девон”, “Ҳазрат Алишер Навоий”, “Нур вази”, “Рух гўзаллиги”, “Абадий шеърлят”, “Янги шеърлар” каби китоблари чоп этилган.

Хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва миллий қадриятларимизни эъзозлаш мақсадида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида “Юртдошлар” сайти ишга туширилди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сайтнинг асосий мақсади — хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг маданий ва тил ўзлигини, уларнинг миллий анъана ва қадриятлар билан ўзвийлигини сақлаб қолишдан иборат.

Ҳозирги кунда сайтимиз рунклари кўпайиб бормоқда. Масалан, “Ўзбекистон” рункида мамлакат ҳақида муҳим маълумотлар, “Ўзбек тили” рункида тилимизни ўрганувчилар учун дастурлар, дарслиқлар, “Мен ўзбекман” рункида хорижда муваффақиятга эришган машҳур ватандошлар тўғрисида маълумотлар, “Ўзбекмедиа” рункида миллий кино, мультфильм, аудиомаҳсулотлар бериб борилади.

Шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан ишлашда улар она тилимиздан фаол фойдаланишини таъминлаш учун Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлилий марказ ходими И.Шамсимухамедов Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш Жамғармаси билан ҳамкорликда “Дипломатик терминлар изохли лугати”ни нашрга тайёрламоқда.

Ҳозирги вақтда хорижий давлатларда миллий тилимизга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг кучайиши жаҳонда давлатимизнинг обрўси ва нуфузи ортиб бораётганидан дарак беради. Шу нутқтаи назардан, давлат тилига Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик маффаатларини амалга ошириш ва илгари суришнинг асосий воситаларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Чунки унинг чет элларда кенг тарқалиб бориши жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистонга нисбатан иқобий муносабат шаклланишига, давлатимизнинг халқаро майдондаги иштироки ҳамда ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ёрдам беради.



“Давлат тили ҳақидаги”ги қонуннинг такомиллаштирилиши она тилимизнинг тараққиёти, ривожланиши ҳамда ўзига хос бой бисотини намойиш этишга кенг имконият яратяпти. Бу борадаги қонунчиликнинг мустаҳкамланиши давлат тилининг мамлакатимизда тўлақонли амал қилинишини таъминлаш билан бирга, уни чуқур ўрганиш ва ҳаётнинг барча жабҳаларида татбиқ этиш заруратини кун тартибига қўймоқда.

МИЛЛИЙ ҒУРУР БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ

Нилуфар ФОЗИЛЖОНОВА,
Тошкент шаҳри
мактабгача таълим
бош бошқармаси бошлиғи

Қиёсий таҳлил қилинганда, ўзбек тили дунёдаги гўзал ва бой тиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекона лутф, муомала, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ эса она тилимизга хос маданиятнинг узвий қисмидир.

килотларида давлат тили тўғрисидаги талабаларга риоя этилиши, пешлашга, эълон тахталари, баннерларнинг лотин ёзувида асосланган ўзбек тилида бўлиши ҳолати ўрганилди.

Ўрганишда аниқланган камчиликлар юзасидан тавсиялар берилди. Мактабгача таълим ташкилотларида кузатув кенгашлари билан ҳамкорликда 18 минг 976 та пешлашга, эълон тахтаси ва баннер лотин ёзувида асосланган ўзбек тилида расмийлаштирилди.



Тарбиянинг мана шу нозик жиҳатларини ҳисобга олиб, бугун мактабгача таълим тизимида болажонларга она тилига меҳр-муҳаббат туйғуларини синдириш мақсадида турли қадрият ва анъаналаримиз акс этган сахна кўринишлари намойиш этилмоқда. Шу билан бирга, мактабгача таълим ташкилотлари номланишдан тортиб, расмий иш ҳужжатларига давлат тили қоидаларига қатъий амал қилиниши таъминланмоқда.

Жумладан, шу йил 1 августдан бошлаб мактабгача таълим тизимидаги барча ташкилотларда иш ҳужжатлари лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосида қоритилиши йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим вазирининг тегишли буйруғига асосан, Тошкент шаҳри мактабгача таълим бош бошқармаси ишчи гуруҳи ташкил қилиниб, барча турдаги мактабгача таълим таш-

Боғчалар номланишида она тилимиздаги соҳага мос сўзлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Жумладан, жорий йилда бир нечта анги мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиб, уларга “Билимлар олами”, “Болалик академияси”, “Зукко болалар” каби ўзбекона номлар берилди. Келгусида Тошкент шаҳридаги 473 та мактабгача таълим ташкилотининг номи қайта қўриб чиқилиши режалаштирилган.

Бош бошқарма тасарруфидида давлат мактабгача таълим ташкилотларида “Маънавият бурчаклари”, “Ватанпарварлик бурчаклари” лотин графикасига асосланган ўзбек тилида ташкил этилган.

Бу сай-ҳаракатлар болажонларнинг келгусида ватанпарвар, давлат тилига ҳурмати баланд инсонлар бўлиб етишишида пойдевор вазифасини ўтайди, деб умид қиламиз.

ЧЕТ ЭЛИК ТАЛАБАЛАР ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАГАНДА...

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон нафақат кўп миллатли давлат, балки чет эл фуқаролари таълим оладиган масканга айланиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда 4 730 нафар хорижлик талаба турли йўналишларда таҳсил оляпти. Улар ўртасида ўзбек тилида сўзлашишга қизиқишни ортиб, забонимиздан мулоқот воситаси сифатида кенг фойдаланаётганларнинг ортиб бораётгани жуда қувонарли.

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сана — 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан ташкил этилаётган турли тадбирларда тилимизни иштиёқ билан ўрганаётган чет элликлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу жиҳат Тошкент давлат иқтисодиёт университети ташаббуси билан юртимизда илк бор хорижий давлат фуқаролари бўлган талабалар ўртасида ўтказилган “Ўзбек тилида нотиклик санъати” танловидида ҳам яққол намоён бўлди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда Россия, Қозғистон, Қирғизистон,

Афғонистон, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлардан келиб мамла-



катимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар қатнашди.

Улар орасида Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2-босқичида таълим олаётган хитойлик Е Ханвен ҳам бор. Ўзбекистонда ўқиш учун грантни қўлга киритган бу йигит ўзбек тилини ўрганишни бир йил аввал бошлаганига қарамай, она тилимизда эркин сўзлаша олади. Айниқса, Алишер Навоий газаллари, Эркин Воҳидов шеърларини меҳр билан ўқиши кўпчилигини ҳайратта солади. У келгусида хитойлик

талабаларга ўзбек тилидан дарс беришни мақсад қилган. Сўзга чечан йигит танловда 2-ўрин соҳибига айланди.

— Ўзбек тилига қизиқишим тасодифан пайдо бўлмаган, — дейди Е Ханвен. — Пекин чет тиллар университетида ўқиётганимда бизга ўзбек тили дарси ўтилар эди. Ўшанда устозимнинг дарс ўтишлари, бу тилининг ўзига хос жозибдорлиги менда катта таассурот қолдирган. Ҳозир ҳам ўзбек тилида сўзлашиш мен учун жуда қизиқарли. Битта сўзнинг қўллаб синонимлари мавжудлиги, кайфият, ҳолатга қараб турли сўзларни қўллаш имконияти менга жуда ёқди. Тўғри, ўзбек тили хитой тилига ўхшамайди, аммо кучли истак ва кўнг бўлса, бу тилни яхши ўрганиш мумкин экан.

Танловда ҳар бир талаба ўзининг ўзбек тилида сўзлашиш қобилиятини нафақат раван нутқи, балки халқимиз озғани иқодидаи сара намуналар келтириш билан ҳам намоён этди. Жумладан, америкалик Картер Халлнинг ўзбек тили шеваларини ўрганишга иштиёқи баланд. Бу борада у айрим



изланишларни ҳам бошлаб юборган, Тошкент шевасида чироили гапириши билан барчани ҳайратга солади. Тошкент ирригация ва кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидида таҳсил олаётган бу йигит танловда 1-ўринга лойиқ қўрилган талабалардан бири бўлди.

Танлов шартлари хорижлик талабаларга у қадар қийинчилик туғдирмади. Ўзбек тилини маълум муддат давомидида ўрганиб келатган ёшларнинг биринчи шартда

она тилимизни қай даражада билиши, орфозлик тўғри талаффузи, нутқи ва танланган мавзунини ёритиб бериш маҳорати синовдан ўтказилди. Иккинчи шартда эса, иштирокчилар тарих, адабиёт, ўзбек миллий урф-одатлари тарғиб қилинган, иқодий ёндашилган тақдиротларини намойиш қилди. Ҳар бир тақдирот ҳақамлар томонидан баҳоланди. Шундай бўлса-да, танлов талабига кўра, энг юқори балл тўплаган талабалар орасидан 3 нафардан биринчи,

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 3366.
76222 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳис: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 21:40 Топширилди — 00:20